

## СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОНДА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Туланбаев Низомиддин Шавкатбекович**

*Email: lionnicky7555@gmail.com*

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасидаги нормал фаолият бу борадаги мавжуд бўлиш ва ривожланиш учун таҳдидлардан ҳимояланганликка яъни хавфсизликнинг таъминланганлигига боғлиқ.

Хавфсизлик ҳаётнинг турли соҳалари билан боғлиқ тарзда ҳарбий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, экологик хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги, миллий хавфсизлик каби турли хусусий кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Бироқ, унинг ҳар қандай кўринишини таъминлаш тизимли ёндашувни талаб қилувчи мураккаб жараён бўлиб, доимий тарзда амалга оширилувчи фаолият ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, хавфсизликни таъминлаш ўзида хавфсизлик билан боғлиқ мақсадларнинг амалга ошиши учун зарур шароитларни яратишни, бунинг учун керакли нарсаларни етарли миқдорда етказиб берилишини аниқлатади. Бу жараён эса моҳиятан биринчи навбатда тегишли хавфсизлик соҳасидаги устувор сиёсий қарашларни шакллантиришдан бошланиб, мазкур босқичда хавфсизликнинг тегишли кўриниши нимадан иборат эканлиги тўғрисидаги саволга жавоб берилади ҳамда бу борадаги манфаатлар (мақсадлар), уларга нисбатан таҳдидлар очиб берилади.

Кейинги босқичда эса тегишли манфаатлар (мақсадлар)нинг қандай рўёбга чиқарилиши мумкинлигига аниқлик киритилиб, бу борадаги стратегик режалар ишлаб чиқилади.

Фикримизча, дастлаб стратегик режалаштириш ўзи нима эканлиги билан боғлиқ саволга жавоб топилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада тадқиқотчилар Ж.Харрер ва А. Валд стратегик режалаштириш узоқ муддатли мақсадларни ўрнатиш эканлигини, у тактик ва операцион стратегияларни тартибга солувчи чуқур йўналишни белгилашни ўз ичига олишини таъкидлайди [1].

А.Марков Стратегик режалаштириш белгиланган мақсадлар ва ушбу мақсадларга эришиш учун ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларни амалга оширишни олдиндан белгилаш, шунингдек, уни амалга ошириш учун зарур алгоритмни тақдим этиш деб таъкидлайди [2].

Бу борада стратегик режалаштириш нимани аниқлаши борасида кўплаб таърифларни учратиш мумкин. Бироқ хавфсизликни стратегик режалаштиришнинг моҳияти олдиндан жавоб чораларини тайёрлаш мақсадида у ёки бу соҳадаги асосий муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳамда шунга мос зарур чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Стратегик режалаштириш моҳиятан мақсадни белгилаш, прогноз қилиш, режалаштириш, режаларнинг амалга ошишини назорат қилиб бориш каби жараёнларни назарда тутади.

Хавфсизликнинг энг долзарб кўринишларидан бири бўлган иқтисодий хавфсизликни таъминлашда стратегик режалаштиришнинг аҳамияти у мамлакат, унинг минтақалари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, мақсадли параметрлари, устувор вазифаларини белгилаш, бунинг учун зарур дастур ва чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат эканлигидадир.

Стратегик режалаштиришдан иқтисодий хавфсизликни таъминлашда фойдаланишнинг аҳамияти борасида фикр юритар экан, Е.Бухвальд у қуйидаги 2 та вазифани ҳал этишини таъкидлайди.

1. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш етарлича узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган тизимли бошқарув яъни стратегиялаш объектига айланади. Табиийки хавфсизликка ҳақиқий таҳдидни юзага келтирувчи салбий жараёнлар (хавфлар)нинг аксарияти узоқ муддатли характерга эга бўлиб, улар билан фақатгина “ёнғин” чоралари орқали курашиш етарли эмас.

2. Иқтисодий хавфсизликнинг моҳиятини яна бир бор англаш ва унинг асосий талабларини миллий иқтисодиётнинг тармоқлари ва ҳудудий бўлақларини қамраб олувчи муҳим стратегик режалаштириш билан боғлиқ ҳужжатларда мустақамлаш имконияти шаклланади [3].

Бугунги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатларида, миллий хавфсизлик ёки унинг қайсидир таркибий қисмига оид стратегиялар, концепциялар, ривожланиш масалаларини стратегик режалаштириш билан боғлиқ ҳужжатлар ишлаб чиқилганлини, хавфсизликни таъминлаш ҳамда тараққиёт билан боғлиқ масалалар стратегик режалаштириш объектига айлантирилганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада шуни таъкидлаш лозимки, стратегик режалаштириш фақатгина давлат фаолияти билангина боғлиқ бўлмай, хусусий секторда ҳам, мисол учун, бизнес вакиллари томонидан ҳам кенг фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда дунё амалиётида стратегик режалаштиришнинг Америка (АҚШ, Канада), Европа (Буюк Британия, Франция, Германия, Швеция ва бошқалар) ва Осиё (Япония, Корея Республикаси, Сингапур) каби моделлари мавжуд. Хитой, ҳинд ва вьетнам моделлари эса алоҳида ўзига хос хусусиятга эга [4].

Стратегик режалаштириш фаолияти муайян ижтимоий муносабатлар тизимидан иборат бўлиб, уни ҳуқуқий тартибга солиш дастлаб бу борадаги асосий тушунчалар, стратегик режалаштириш ҳужжатлари, уларнинг тузулиши ва мазмунига қўйиладиган талабларни, стратегик режалаштириш тизими ва унинг тамойилларини, бу жараёнда иштирок этувчи субъектлар, уларнинг ваколат ва вазифалари каби энг муҳим масалаларни аниқлаштиришдан иборат. Юқоридаги масалаларнинг ҳал этилиши стратегик режалаштириш фаолиятидаги турли ёндашувларни олдини олиб, унинг самарадорлигига ўз хиссасини қўшади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида стратегик режалаштириш фаолиятига оид алоҳида қонунчилик ҳужжати мавжуд эмас ва бу фаолиятнинг айрим жиҳатлари турли қонунчилик ҳужжатларида акс этган. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасида стратегик режалаштиришни ҳуқуқий тартибга

солиш билан боғлиқ юқоридаги масалаларни ҳал этиш ва шу орқали ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд.

Айрим давлатлар амалиётида Ўзбекистон Республикасидан фарқли тарзда стратегик режалаштириш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга мўлжалланган алоҳида қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясида 2014 йил 28 июнь куни қабул қилинган “Россия Федерациясида стратегик режалаштириш тўғрисида”ги Федерал қонун қабул қилинган [5].

Қозоғистон Республикасида ҳам мамлакат Ҳукумати томонидан 2017 йил 29 ноябрда “Қозоғистон Республикасида Давлат режалаштириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 790-сон қарор қабул қилинган [6].

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси Миллий иқтисодиёт вазирининг “Қозоғистон Республикасининг Миллий ривожланиш режасини, Мамлакатнинг ҳудудий ривожланиш режасини, саноат/соҳани ривожлантириш концепциясини, давлат органларининг ривожланиш режаларини, вилоят, республика аҳамиятидаги шаҳар, пойтахтни ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш, амалга ошириш, баҳолаш ва назорат қилиш методологиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

2021 йил 25 октябрдаги 93-сонли буйруғи (Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлигида 2021 йил 26 октябрда 24908-сон билан рўйхатдан ўтган) қабул қилинган [7].

Мазкур йўналишда фикримизча, биринчи навбатда миллий қонунчилик тизимимизда стратегик режалаштириш фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши, бу борадаги фаолиятнинг аниқ ҳуқуқий тартиби яратилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, миллий ҳуқуқ тизимимизда мазкур масаланинг тартибга солилмаганлиги миллий хавфсизликка яхлит тарзда ёки унинг муайян соҳадаги кўринишига эришишнинг муҳим элементи бўлган стратегик режалаштириш фаолиятидаги турли чалкашликлар, бу борада фаолият олиб борувчи ҳар бир субъект томонидан турлича ёндашувлар бўлишига олиб келади деб ўйлаймиз.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Стратегик режалаштириш тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 25 сентябрдаги 477-IV-сон қарори билан рад этилгани ҳолда, бошқа бу бўйича ҳуқуқий асосларни яратиш бўйича амалий ҳаракатлар бажарилмасдан қолмоқда. Фикримизча, стратегик режалаштириш фаолиятининг тартиби қонун даражасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирилиши лозим. Чунки, стратегик режалаштириш давлат механизми таркибидаги барча мансабдор шахслар ва органлар томонидан қайсидир кўринишда тегишли чора-тадбирларни амалга оширилишини назарда тутуди ва бу борадаги миллий ҳуқуқий тизимимизда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган ҳужжат – қонун даражасида тартибга солиниши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Юқоридаги таклифнинг аниқ амалий ифодаси

сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Стратегик режалаштириш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиш, мазкур Қонунда қуйидаги масалалар ўз аксини топиши керак деб ўйлаймиз:

Стратегик режалаштириш борасидаги тушунчаларнинг аниқ тавсифлари;  
стратегик режалаштириш ҳужжатларнинг турлари;  
стратегик режалаштириш фаолиятининг принциплари;  
стратегик режалаштириш фаолиятига оид субъектлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;  
стратегик режалаштиришни амалга ошириш тартиби;  
стратегик режаларга эришилганликни баҳолаш ва мониторинг қилиш.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Harrer, J., & Wald, A. (2015). Levers of enterprise security control: A study on the use, measurement and value contribution. *Journal of Management Control*, 27(1), pp.7-32.
2. Морков А.А. Связи с общественностью в органах власти 2014. С. 49  
URL:[https://studref.com/349403/marketing/ponyatie\\_strategicheskogo\\_planirovaniya#aftercont](https://studref.com/349403/marketing/ponyatie_strategicheskogo_planirovaniya#aftercont)
3. Бухвальд Е.М. Совершенствование нормативно-правовой базы обеспечения экономической безопасности в Российской Федерации // *Экономическое возрождение России*. 2018. № 3(57). 35-бет.
4. Назаров В.П. О зарубежном опыте стратегического планирования обеспечения национальной безопасности. *Вестник МГИМО-Университета*. 2019. 12(5). С. 12-23
5. Федеральный закон “О стратегическом планировании в Российской Федерации” №172-ФЗ от 28 июня 2014 года // [Официальный интернет-портал правовой информации – pravo.gov.ru](http://официальный интернет-портал правовой информации – pravo.gov.ru)
6. Постановление Правительства Республики Казахстан “Об утверждении Системы государственного планирования в Республике Казахстан” от 29 ноября 2017 года № 790 // [Официальный информационный ресурс Премьер-Министра Республики Казахстан – www.primeminister.kz](http://официальный информационный ресурс Премьер-Министра Республики Казахстан – www.primeminister.kz)
7. [Приказ Министра национальной экономики Республики Казахстан от 25 октября 2021 года № 93 “Об утверждении Методики разработки, мониторинга, реализации, оценки и контроля Национального плана развития Республики Казахстан, Плана территориального развития страны, концепций, планов развития государственных органов, планов развития области, города республиканского значения, столицы”- online.zakon.kz](http://online.zakon.kz)